Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
10 июнь
ШАНБА
№ 47 (12995)

www.thtp.uz

БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ижтимоий шериклик

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича комиссия аъзолари, маҳаллий кенгаш қошидаги жамоат комиссияси вакиллари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Дастлаб ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг ўтган йилги фаолияти якунлари ва жорий йилнинг 5 ойида амалга оширган ишлари танқидий-таҳлилий рухда кўриб чиқилди. Шунингдек, ҳаётга татбиқ этилган давлат гранти лойиҳаларининг мониторинги натижалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолига тўлақонли етказиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантириш лозимлиги, ҳали жойларда ишга солинмаётган имкониятлар кўплигига эътибор қаратишди.

Йиғилишда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан ташкил этилган давлат гранти танловининг навбатдаги ғолибларига тегишли сертификатлар топширилди.

Ўз мухбиримиз.
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.



ОҚ ЛИБОСЛИ НАЖОТКОРЛАР

Ширин сўз – ярим муолажа. Буни, айниқса, бемор ётган одам яхши тушунади. Зеро, шифокору ҳамшираларнинг ширин муомаласи хасталарнинг руҳиятини кўтариб, ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Ҳамшира – 2017

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси такомиллашиш билан бир қаторда тиббий хизмат сифати ҳам юксалди. Бунда малакали тиббиёт ходимларининг ҳиссаси катта, албатта.

Давоми 2-бетда.



ҚИШЛОҚ АҲЛИ ДАРОМАДИНИНГ МУҲИМ МАНБАИ

Томорқа ҳақида гап очилса, кўпчилик Янгийўл тумани Ниёзбош қишлоғи одамларини эслайди. Улар бир парча томорқани мўмай даромад манбаига айлантиришнинг том маънода пири бўлиб кетишган. Айниқса, бошқаларга арзимасдек туюладиган ошкўкларни жарақ-жарақ пулга айлантиришда уларга етадигани кам. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ниёзбошликлар ошкўкларни боғлам қилиб эмас, машиналари юкхонасию орқа ўриндиқларини тўлдириб, килограммлаб сотишади. Ҳовлиларига кирсангиз, бир қарич ҳам ерни чиқитга чиқаришмаганини кўрасиз.



Томорқа – хазина

Қўз қўрқоқлик қилмаса, ботир қўл қаловини топиб, қорни ёндиришига ниёзбошликларнинг тажрибаси яққол мисол. Агар ер, у ташландиқ бўладими, қақроқ ёки унумсиз бўладими, қадрини биладиган одамнинг қўлига тушса, ўзи ҳам гуллаб-яшнайди, эгасини ҳам бойитади, элга танитади. Ахир, ер – хазина. Ҳар қаричи – зар. Демак, рамзий маънодаги "Қўз қўрқоқ, қўл ботир"лиги айрим томорқа эгаларининг дангасалигига ишора.

Саксондан ошгунича қўлидан кетмон тушмаган бир қўшнимиз бўларди. Деҳқончилигу чорвачиликда у кишининг олдига тушадиган одам бўлмаган қишлоғимизда. Қандай экин экмасин, деярли ўт босмасди. Масалан, сабзи экканлар уни қайта-қайта ўтаб, чарчашса, у киши бир марта номигагина ўтоқ қилиб, ҳам эрта, ҳам икки баравар кўп ҳосил оларди. Кейин билсак, сабзи уруғини сепиб бўлиб, кетидан керосин пуркар экан. Шунда бегона ўтлар қирилиб кетиб, сабзига эса таъсир қилмас экан.

Шу одам қорамол боқишда ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган янгилик кашф этган. Гап шундаки, бир пайтлар колхоз фермасида янги туғилган бузоқлар бир ҳафта-ўн кун ичида ўлаверіб, мутахассислар нима қилишни билмай қолишганда, шу киши давосини топган. Силқови йўқ бузоқчаларни алоҳида ажратиб, тоза тиббий спиртга маълум меъёрда сув қўшиб, оз-оздан ичирган. Шу эмига тушиб, биттаям бузоқ ўлмайдиган бўлган.

Бугун отанинг ишини фарзандлари давом эттиришаяпти. Улар иссиқхоналарида қиш кунлари бодринг ва помидор етиштириб, бозорга чиқармоқдалар. Ҳар бирининг тагида "асакалик" замонавий енгил машина. Маҳалланинг корихайрларига ҳам камарбаста бўлаётганлари учун кўпчиликнинг дуосини олишаяпти.

Давоми 2-бетда.

ДЕПУТАТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

"Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари"га бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Кучли фуқаролик жамияти сари

"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси – фаолиятимиз дастури" лойиҳаси доирасидаги мазкур тадбир Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ўтказилди. Шунингдек, шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Элдор Туляков иштирокида "Депутат билан юзма-юз" мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни таништириш, фуқаролар қийнаётган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга кўмаклашишдан иборатдир.

Тадбирда Халқ депутатлари ҳудудий ва маҳаллий кенгаш депутатлари, партия ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари ходимлари, тумандаги "Шалола" маҳалласи фаоллари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

– Халқ билан очиқ мулоқот – фуқаролар мурожаатларини ўрганиш, муаммоларнинг юзага келиш сабабларини самарали аниқлаш ҳамда ҳал қилиш бўйича амалий механизмларни ишлаб чиқиш имконини беради, – дейди Элдор Туляков.

Феруза ТЎРАЕВА.

Ўзбекистон – умумий уйимиз

Бўстонлиқ туманида "Ўзбекистон – умумий уйимиз" шиори остида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган дўстлик фестивали доирасида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб ўтказилган тадбирда туман маънавият тарғибот маркази, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, маҳалла фаоллари ҳамда ҳудудда фаолият кўрсатиб келаётган қозоқ, рус, тожик миллий маданият маркази вакиллари иштирок этди.

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП





Анжуманда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ, тинч-тотув ҳаёт кечириши, мамлакатимиз равнақи йўлида меҳнат қилиши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун барча имкониятлар яратилган.

Бугунги кунда туманда фаолият кўрсатаётган миллий маданият маркази ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирларда мамлакатимизда ўзаро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш ҳар бир миллат вакилининг муқаддас бурчи экани алоҳида таъкидланаётир.

– Мен шу юртда туғилганим ва Ўзбекистон фуқароси бўлганимдан ҳамиша фахрланаман, – дейди қозоқ миллий маданият маркази раҳбари А. Ускенбаев. – Мамлакатимизда барча миллатлар тенг ҳуқуқли бўлиб, улар ўз тили, маданияти ва қадриятларини ривожлантириш, келгуси авлодларга бутун етказиши учун кенг имконият ва шароитларга эга. Энг муҳими, юртимизда ҳар бир инсон азиз ва мўътабардир. Ўзбекистон эса барчамиз учун ягона Ватандир.

Тадбирда тумандаги ёш истеъдодлар ва миллий маданият марказлари қошидаги ҳаваскор ансамбллар ижросида куй-қўшиқлар янгради.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар.

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

ҲАФТА ХУЛОСАСИ: ҲАРАКАТЛАР ҲАЛИ ЕТАРЛИ ЭМАС

Вилоятимиз ҳудудида шу йилнинг 1 июнидан 8 июнь кунига қадар 74 та жиноят содир этилган. Уларнинг биттаси қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 18 таси ўғрилик, 3 таси фирибгарлик, 7 таси гиёҳвандлик, 1 таси транспорт воситасини олиб қочиш, 11 таси иқтисодий ва 33 таси бошқа турдаги жиноятлардир.

Мазкур маълумотлар вилоят ички ишлар бошқармасида ўтказилган навбатдаги брифингда айтиб ўтилди.

Маълумотларга кўра, содир этилган жами 74 та жиноятнинг 71 таси "изи йўқолмасдан" фош этилиб, тезкор-тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. 3 та ўғрилик бўйича айбдорларни қидириб топиш ва уларни қонун доирасида жавобгарликка тортиш борасида барча чоралар кўрилмоқда. Қидирувда юрган 20 нафар шахс ушланди.

Афсуски, жиноят битта бўлса ҳам кўп. Чунки, унинг зарари барибир жамиятимизга тегади. Шунинг учун профилактика кунида жиноятлар маҳаллаларда сайёр суд кўринишида муҳокама этилмоқда. Халқ гувоҳлигида жиноятнинг жазоси муқаррар эканлиги уқтирилмоқда. Бундан барча тегишли хулоса чиқариб, ҳушёр ва огоҳ бўлмоқда. Унда жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш бўйича фуқароларнинг таклиф-мулоҳазалари ўрганилаётир.

Умид КЕНЖАЕВ,
вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

– Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди, лекин улар қаердан келиб чиқади, деган савол кишини қийнайди. Албатта, кўп нарса оиладаги муҳит, тарбияга боғлиқ. Қачонки, фарзанд оилада меҳр кўрса, тўғри тарбия топсагина қинғир йўлдан юрмайди. Бироқ, ҳозир болалардан кўра айрим ота-оналарнинг ўзи ҳам тарбияга муҳтож. "Олманинг тагига олма тушади", деганларидай, бундайларнинг фарзанди эртага ким бўлиб етишади? Шунинг учун вилоятимиз бўйлаб бу каби оилалар билан суҳбатлар, тушунтириш ишларини ўтказаяпмиз. Айниқса, профилактика куни доирасида уларни учрашувларга таклиф қилаяпмиз.

Хўш, ўтган ҳафта давомида қандай ишлар амалга оширилди?

Аввалambor, 18 минг 213 та хонадон кўздан кечирилди. Паспорт-виза қоидаларини бузган 970 нафар, ноқонуний яшашга шароит яратиб берган 14 нафар хонадон эгаларига, жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмол қилган 125 нафар, майда безорилик содир этган 94 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённомалар тузилди.

Давоми 2-бетда.

2017 йилнинг иккинчи ярми учун
«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»
газеталарига обуна давом этмоқда!

ҚИШЛОҚ АҲЛИ ДАРОМАДИНИНГ МУҲИМ МАНБАИ

Томорқасини яшнатиб, турмушини гуллатиб, орзу-ҳавасларини рўёбга чиқариб яшаётган бундай оилалар вилоятда кўп. Хусусан, Зангиота тумани, Ҳасанбой қишлоғи, "Баҳор" маҳалласида шундай хонадонлар борки, ҳамма ҳавас қилади. Ҳовлиларига киришингиз билан баҳридилингиз очилади. Томорқанинг хосиятини уққан, ҳар қаричини қадрлайдиган одамлар яшаётганига ишонч ҳосил қиласиз.


– Томорқанинг туганмас хазина экани рост, – дейди ҳасанбойлик Азим бобо. – Томорқачилик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касб. Ота-боболаримиз, асосан, шу бир парча ерлари ортидан тирикчилик қилиб келишган. Бугун ҳам ким томорқасига ишнинг кўзини билиб қараётган бўлса, ўшанинг пичоғи мой устида. Мана ўзимиздан қиёс...

Ота шундай деди-да, дарвозахонада ялтираб турган, "Эпика" русумли енгил машинасига қараб қўйди.

– Мен асли маорифчиман, – давом этди ота. – Узоқ йил халқ таълими соҳасида хизмат қилдим. Аммо, томорқани ташлаб қўймадим. Болаларим, набираларимни, асосан, томорқадаги меҳнат билан тарбияладим, десам ишонаверинг. Мана шу иссиқхонани қурганимизга 15 йил бўлди. 40 туп "Меейр" навли лимондан ҳар йили кам деганда 2 тоннадан ҳосил оламиз.

Аммо, оиланинг томорқа хўжалиги фақат шу лимонхонадан иборат эмас. Хона-

Бошланиши 1-бетда.



дондан 6-7 бош қўй аримайди. Товуқларнинг оила эҳтиёжидан ортган тухумлари ҳам сотилади.

– Энди курка боқишни мўлжаллаяпман, – дейди отанинг ўғли Олимжон Носиров. – Эплаган кишига бу тайёр гўшт. Хуллас, томорқадан топаётганимиздан орзу-ҳавасларимиз ушалаяпти. Иккита тўй қилдик. Сентябрга бориб, учинчи ўғлимни ҳам уйлантирмоқчимиз.

"Топганинг тўйларга бурсин", деганлари шу-да. Томорқасидан барака топаётганлар биргина шу Ҳасанбой қишлоғининг ўзида қанча. Масалан, Азим отанинг маҳалладоши Акмал Раҳматиллаев ҳам иссиқхонада сабзавот етиштиришнинг ҳадисини олган. Айни кунда 3,5 сотихли иссиқхонада бодринг шиғил гуллаб ётибди.

– Бу иккинчи ҳосил, – дейди хонадон соҳиби. – Эрта кўкламда шу ерга "Бруклинг" навли гулкарам экдик. Айни вақтида чиқарганимиз ва кўримли бўлгани учун тез сотилиб кетди. Мана, ўрнига экилган бодринг ҳам найчалаб қолди. Ҳозирги бодринг навлари, билиб эксангиз, етмиш кунга бормай етилади, ўрни ҳам тез бўшайди. Шу тартибда ҳар йили икки тонна атрофида бодринг сотамиз. Ҳосил тугагач, яна гулкарам экиб, кеч кузларда етилтирамиз. Хуллас, йил-ўн икки ой бутун томорқамиз билан андармон бўламиз. Аммо, бу тирикчилигимиз шу билан дегани эмас. Мен қўриқчилик хизмати соҳасида ишлайман, ойлик маошим тайин. Ўзбекнинг нимаси кўп, тўй-ҳашами кўп. Томорқадан келаётган даромад, таъбир жоиз бўлса, шунга томизғи...

Азим ота Носиров ҳам, Акмал Раҳматиллаев ҳам суҳбат жараёнида нақд даромаддан гап очишмади. Биз ҳам истиҳола қилиб, суриштирмадик. Зеро, улар олаётган ҳосилларни бозор нархида ҳисоб-китоб қилиб, даромадни чамалаб билиш қийин эмас.

Қолаверса, томорқада ишлашдан мақсад, Азим ота айтганидек, фақат даромад эмас. Фарзандлари болалигидан томорқага қайишиб ўсган хонадондаги муҳит ҳам, рўзғор тутуми ҳам ҳавас қилса арзийдиган бўлади.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Қобилжон ҒОФУРОВ (суратлар), "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

ОҚ ЛИБОСЛИ НАЖОТКОРЛАР

Бошланиши 1-бетда.

"Дўрмон" маданият саройида вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган "Ҳамшира – 2017" танловининг ҳудудий босқичи малакали ҳамшираларни саралаб берди.

Танловда вилоят, шаҳар, туман тиббиёт муассасаларидан 18 нафар саломатлик посбонлари ўзаро беллашдилар. Улар тиббиётга оид саволларга жавоб бериб, юртимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар хусусидаги билимларини намойиш этдилар.

Таъкидланганидек, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишда ҳамширалар муҳим ўрин тутади. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Қизғин беллашувларга бой ўтган танлов якунларига кўра, биринчи ўрин Ангрен шаҳар 4-оилавий поликлиникаси умумий амалиёт ҳамшираси Фароғат Хоназаровага, иккинчи ўрин Зангиота тумани КТМП болалар бўлими жарроҳлик хонаси ҳамшираси Нилуфар Сагдуллаевага, учинчи ўрин эса Қибрай тумани, Лимонария ҚВП патронаж ҳамшираси Адолат Исаевага насиб этди.

– Болалигимдан оқ халат кийишни орзу қилганман, – дейди Фароғат. – Ҳар доим ҳамшира номига муносиб бўлишга ҳаракат қиламан, бўш вақтларимда қўшимча адабиётлар ўқийман, спорт билан шуғулланаман. Танловнинг республика босқичида ҳам муносиб иштирок этиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қиламан.

Голибларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Фарҳод ТОЛИПОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

❑ Таълим

Вилоят халқ таълими бошқармасининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида туман ва шаҳарлар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари раҳбарлари, мактабгача таълим муассасалари мудирлари, фаол ўқитувчилар, методистлар қатнашди.

МАСЪУЛИЯТ – БОШ МЕЗОН



Тадбирда мамлакатимизда таълим соҳасини янада ривожлантириш, замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисда сўзга чиққанлар, соҳани ривожлантиришда тизимдаги муассасалар раҳбарлари масъулиятини янада ошириш, моддий-техник базани яхшилаш ва ёш кадрларни тайёрлаш масаласи давр талаби эканини алоҳида эътироф этдилар.

Йиғилишда таълим масканларида, хусусан, мактабгача таълим муассасаларида "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар таҳлилий-танқидий руҳда муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилиш давомида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2017" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олган вилоятимиз ўқитувчиларини тақдирлаш маросими ҳам бўлди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

❑ Пилла – 2017

Деҳқонлар илк экин яхши ҳосил тўкса, кейингилари ҳам баракали бўлади, дейишади. Мана, қабул пунктларига топшириладиган илк ҳосил – пилла ҳам етилди.

ЙИЛ БАРАКАСИ ИЛК ҲОСИЛДАН МАЪЛУМ



Ўрта Чирчиқ тумани "Пилла" ишлаб чиқариш шўъба корхонасига пилла келтираётганларнинг юзларида нур, кўзларида қувонч. Чунки, улар бу лаҳзаларни интиқлик билан кутдилар. Куну-тун бутун диққат-эътиборлари ниҳоятда нозик ва масъулиятли вазифа – ипак қурти парваришида бўлди. Роппа-роса бир ой давомида қилган меҳнатлари самарасидан қайфиятлари чоғ.

2017 йил ҳосили учун "Силвер Силк СО" қўшма корхонаси билан 2 минг 200 қути, маҳаллий аҳоли билан 560 қути, жами 2 минг 760 қути уруғлар юзасидан шартнома қилинди. Фарғонадан олиб келинган уруғ касалликка чидамлилиги ва юқори ҳосилдорлиги билан пиллакорларга маъқул бўлди.

– Ички шартнома асосида қурт боққан пиллакорларимизнинг деярли ярми режаларини ортиғи билан бажардилар. Айниқса, "Ҳусниддин", "Зарифжон Севинчхон", "Ҳақиқат", "Акмал нур", "Найманобод" фермер хўжаликлари пиллакорлари мўл ҳосил етиштирдилар, – дейди шўъба корхона раҳбари Маъмуржон Домлажонов.

Лаборатория мудираси, шу соҳада узоқ йиллардан бери ишлаётган Зубайда Пардаеванинг қўли-қўлига тегмайди.

– Бу йил озуқанинг мўллиги пилла ҳосилининг бир текис ва сара бўлишини таъминлади, – дейди Зубайдахон ўрта-сароийлик "Қорахон эшон" фермер хўжалигининг илғор пиллакори Ҳанифахон Абдураҳмонова топширган пилла сифатидан кўнгли тўлиб. – Мазкур хўжаликда 7 қути ипак қурти парваришланиб, ҳар қутидан 70 килограммдан сифатли ипак тола топширилди.

Самад ЙЎЛДОШ.
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

❑ Бунёдкорлик

ОҲАНГАРОННИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

Туман марказида фаолият бошлаган маданият ва истироҳат боғи бугун Оҳангароннинг энг файзли масканларидан бири бўлиб қолди. Бир вақтлар қаровсиз ва кимсасиз бўлган жойлар эндиликда болажонлар кулгусига тўлиб, аҳоли мароқли ҳордиқ чиқариши мумкин бўлган сўлим, гўзал манзилга айланди. Замонавий аттракционлар, қулай, арзон нархлардаги хизматдан аҳоли мамнун.

– Истироҳат маскани юртимизда моҳи Рамазон шукуҳи кезиб юрган шу файзли кунларда туманимиз аҳли ва меҳмонларига ажойиб туҳфа бўлди, – дейди тадбиркор Шавкат Комилов. – Ҳозирда боғ ҳудудини ободонлаштириш, уни янада гавжум масканга айлантириш режасининг иккинчи босқичи устида ишлаяпмиз.

Лойиҳага кўра, бу ерда қарийб 300 метр квадрат жойни эгаллайдиган, 1 минг 200 ўринга мўлжалланган замонавий амфитеатр бунёд этилади. Куни кеча мазкур санъат кошонасининг тамал тоши туман фаоллари, оқсоқоллари иштирокида қўйилди. Лойиҳанинг аҳамияти шундаки, тўрт қаватдан иборат мазкур бинода бир вақтнинг ўзида савдо маркази ҳам фаолият кўрсатади. Муҳташам иншоотнинг гўзал меъморий ечими кўрган кишининг ҳавасини келтиради.

Туман ҳокими Рустамжон Убайдуллаев мазкур қурилишнинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳамда маиший ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлар экан, лойиҳа ташкилотчиси – "Гули-Лола" масъулияти чекланган жамияти жамоасига, бу эзгу ишни молиялаштиришга ҳисса қўшаётган тижорат банкига миннатдорчилик билдирди.

Қайд этиш жоизки, янги иншоотнинг фойдаланишга топширилиши натижасида яна 100 дан зиёд янги иш ўрни пайдо бўлади.

Б. ҚОБУЛОВ.
Музаффар УМРЗОҚОВ олган сурат.





Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишишингиз мумкин.

ЙЎЛСОЗЛАР ШИЖОАТИ



Бекобод тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишлари жадал олиб борилаяпти. Йил бошидан буён йўлсозлар томонидан 770,1 миллион сўмлик жорий таъмирлаш бажарилган бўлса, шу вақт мобайнида 1 миллиард сўмликдан ортиқ сақлаш ишлари якунланди.

Йўл қопламасини узлуксиз таъмирлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Жумабозор – Қушчи" йўналишидаги 1 километр 200 метрлик йўлни таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Ишни самарали ташкил этишда яқиндагина корхонага олиб келинган "GR 165" русумли замонавий автогрейдернинг фойдаси катта бўлмоқда. Айнан мана шундай замонавий техникалардан унумли фойдаланиш эвазига автомобиль йўлларини сифатли таъмирлашга эришилмоқда.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

❑ Экофестиваль

Бўстонлиқ туманида «Чимён садоси – 2017» халқаро экологик сайёҳлик фестивали бўлиб ўтмоқда.

ТОҒ БАҒРИДА "ЧИМЁН САДОСИ" ЯНГРАМОҚДА


Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари экофоруми, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга ташкил этилган экофестиваль ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, табиат неъматларини асраб-авайлашга ўргатиш, экологик туризмни ривожлантириш мақсадида ўтказилаётир.

Бўстонликдаги "Чимён оромгоҳи" соғломлаштириш маркази мезбонлик қилаётган уч кунлик фестиваль дастуридан анъанавий муаллифлик қўшиқлари танлови, югуриш, қояга чиқиш, велопойга каби мусобақалар жой олган.

Шунингдек, "Биз – тоза Чимён учун" экологик акцияси доирасида Чимён ҳудуди турли чиқиндилардан тозаланади, "Очиқ осмон остида экомактаб" машғулотларида иштирокчилар экотуризм мавзуидаги билимларни янги маълумотлар билан бойитади.

11 июнга қадар давом этадиган "Чимён садоси – 2017" халқаро экологик сайёҳлик фестивалида ҳамюртларимиздан ташқари, МДҲ вакиллари ҳам қатнашмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Қуйи Чирчиқ туманида замонавий ва барча қулайликларга эга ўқув маркази фаолият бошлади. У маҳаллий ишбилармон Нодира Худойбердиева ташаббуси билан Корея Республикасидаги Юн Сон Сенг ўқув маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Марказ ёшларга рус, инглиз, корейс тиллари, она тили ва адабиёт, тарих, математика ҳамда физика фанлари бўйича таълим беришга ихтисослашган.

❑ Қулайлик

– Машғулотларни ўтказиш учун республикамиз ва хорижий олий ўқув юртларида таҳсил олган малакали мутахассислар жалб қилинган, – дейди марказ директори Жамшид Худойбердиев. – Бу ерда тингловчиларнинг дарс хоналарида сифатли таълим олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Келгусида ўқувчиларга белгиланган дастурдаги фан ва машғулотлардаги ўқув кўникмаларини оширишда кореялик мутахассисларни таклиф этишни режалаштирганмиз.

Ушбу ўқув маркази олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўраётган абитуриентлар ҳамда чет тилларини ўрганиш истагида бўлган барча ёшдаги аҳоли вакилларини ўқишга қабул қилмоқда.

Покиза ЭРГАШЕВА.

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

ҲАФТА ХУЛОСАСИ: ҲАРАКАТЛАР ҲАЛИ ЕТАРЛИ ЭМАС

20 нафар майда безорилик содир этганлар жиноят ишлари бўйича судларнинг қарорлари билан маъмурий қамоққа олинди. Шу билан бирга, аниқ яшаш ва машғулот турига эга бўлмаган 53 нафар шахс аниқланиб, вилоят ИИБ қошидаги реабилитация марказига, 7 нафар гиёҳванд мажбурий тартибда даволаниш учун тиббий муассасаларга жойлаштирилди.

Аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш мақсадида, содир этилган жиноятлар бўйича 221 маротаба муҳокама йиғилишлари ўтказилди. Уларда 97 мингдан ортиқ фуқаролар қамраб олинди.

Ангрен шаҳрида шу йилнинг апрель ойидан ҳозирга қадар ўндан ортиқ автомашиналардан турли эҳтиёт қисмларни ўмариб келган уюшган жиноий гуруҳ фош этилди. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида 18/19-даҳада қаровсиз қолдирилган "Нексия" русумли автомашинага ўғриликка тушган 2 киши воқеа жойида қўлга олинди.

Яна бир мисол. Оҳангарон туманида яшовчи тўрт йигит олдиндан жиноий тил бириктириб, Ангрен шаҳар, Дукент қўрғони, 14-даҳа, 21-уйнинг олдида қаровсиз қолдирилган "Нексия" русумли автомашинанинг эшиги, копот қисми ва юкхонасини яширинча очиб, 450 минг сўмлик аккумулятор, жами 2 миллион 400 минг сўмлик ғилдиракларни ечиб, воқеа жойидан яширинган.

– Юқори Чирчиқ туманида 30 дан зиёд фуқаронинг ишончига кириб, фирибгарлик йўли билан мол-мулкларини ўзлаштирган шахсни қўлга олдик, – дейди вилоят ички ишлар бошқармаси майори Хайриддин Атабаев. – Аниқланишича, у Самарқанд вилояти, Иштихон туманида яшовчи 32 ёшли Бунёд исмли шахс экан. У ўзгалар мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллаган. Бунёд фуқароларнинг қорамолларини сотиб, пулларини бир ой ичида қайтаришни ваъда қилган. Лекин, пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Ҳозирги кунда унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Хуршида ТУРСУНБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бошланиши 1-бетда.

Болаликда: "Ҳозирги ёшлар енгил-елпи яшашга ўрганиб қолишган, ўчоққа ўт ёқмайди, тандирга ўтин қаламайди, бўйини ишга ёр бермайди" каби таънаомуз гапларни кўп эшитардик. Орадан йиллар ўтиб, энди кексалик ёшига етгач, ўзимиз ёшларга танбеҳ бера бошладик: "Ҳозирги ёшларга ой кулиб боққан: барча қулайлигу шароитлар муҳайё. Шунда ҳам ўқишдан, меҳнатдан ўзини олиб қочади. Келинлар эса, қўлда кир ювмайди, боласини бешикка беламайди, таглик ва тувак ювмайди, "памперс" деган матоҳга хўп ўрганиб олишган, болагинамни топганини ахлатга ташлайди..." Аммо, бундай шароитлардан қувониб: "Замонига яраша хўп қулайликлар чиқибди, ёшларимизнинг бахти бор экан, илоҳим кўз тегмасин, омон бўлишсин, бундай мўъжизаларни биз кўрмовдик, фарзандларимиз кўрсин", дея шукрона келтирадиган дуогўй отахон, онахонлар ҳам кўп.

Маънавият

ТАРБИЯНИНГ ТАМАЛ ТОШИ – ОИЛАДА



Бир кекса отахон куюниб гапириб қолди: "Ҳозирги ёшларга ҳайронман, одоб-ахлоқ деган нарсалардан умуман бехабар, туну кун қўлларида телефон... Автобусда ҳам икки кўзи телефонда, қулоғида қулоқчин. Тепасида саксон ёшли кекса турибдими, ё ҳомиладор аёл – фарқи йўқ. Гўё ҳеч нарсани кўрмаётгандек. Уйда неварам ҳам бир қарасанг дуппа-дуруст ўқийди, ақл-ҳуши жойида, аммо қўлидан ихчамроқ патнисдек келадиган телефони тушмайди. На олдига келганни пайқайди, на чақирганни эшитади... Ўғлимга танбеҳ берсам, ундан олдин келиним: "Дарс тайёрлаяптида, дадажон, ўзингиз бекор юрма, дарсингни тайёрла дейсизку" дея эътироз билдиради. Лекин, мен, ўша "патнисча"дан фақат билим олаётганига ишонгим келмайди.

Тунов куни кичик неварам: "Бобо, акамнинг яхши кўрадиган қизи бор, ҳар куни гаплашади", деганида унчалик эътибор қилмабман. Йигит бўй қолди, Худо хоҳласа, ўқишини битирса уйлантирамиз, дебман. Кейин билсам, қизи тушмагур ўзбек тилини тушунмас экан. Агар бош келинимиз шундай бўлса... деган истиҳола қалбимни кемираяпти..."

– Кўп қаватли уйда турамиз, – гап бошлади бир ҳамкасбимиз. – Ҳар кеч ишдан қайтар экан-ман йўл-йўлакай кўрганларим кўз олдимдан кетмайди: салкам ярим яланғоч кийиниб олган қиз-жувонларнинг беҳаё қилиқлари энсани қотиради. Ёнидаги туппа-тузук кийиниб олган эри ва ширингина ўғилчасини кўриб, ҳавас қиласиз, аммо, устида майкаю, иплари осилиб ётган йиртиқ калта шимда келаётган жувоннинг фарзандлари қандай тарбия топар экан деб, ўйлаб қоласиз. "Олманинг тагига олма тушади", дейишади. Шундай "олма"лар ҳар кеч йўлагимизнинг биринчи қаватига йиғилиб олиб, қўлларидаги қимматбаҳо телефонларини титиб, ҳар хил беҳаёлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи лавҳаларни кўриб ўтиришади. Нари борса, 8-10 ёшлар атрофидаги бу болакайларни шом қоронғусида йўқламайдиган, хавотирланмайдиган ота-оналари улардан: "Қаерда эдинг", деб сўрамаслиги аниқ.

Шу ўринда, жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири дея тан олинган "Асрга татигулик кун" асаридаги Найман онаю, Эрмак исмли манқурт ўғил қисмати беихтиёр ёдга тушади. Онаизорнинг душманлар ўғирлаб кетиб, ҳеч кимни, ҳатто онасини ҳам танимайдиган манқуртга айлантирган ўғли қўлидан ўлим топиши разиллик, номуносиб тарбия маҳсули эмасми?"

Балки: "Бунга замонавий кийинишнинг нима алоқаси бор?" дегувчилар ҳам топилар. Тўғри, миллийликни фақат атласу адрас ёки чопону қийиқчага ўралиб олиш деб тушунадиганлар ҳам бор. Аммо, гап фақат миллий либос, ташқи кўриниш, суратда эмас, балки одамнинг ички олами, сийратида ҳамдир. Асл маданиятли кишининг энг аввал сийрати гўзал бўлади. Яъни, сурат сийратнинг инъикосидир. Демак, замонавийлик дея, модага муккасидан кетган ёшларни, уларнинг бу эркаликларига йўл қўйиб бераётган ота-оналарни эртанги кунни унутиб қўйганликда айблаш адолатдан, деб ўйлаймиз. Шу ўринда, замонавийликни маданиятлилик белгиси деб тушунадиган ривожланган мамлакатлардан биридаги воқеани келтириш жоиз.

Биттагина ўғлини "ялаб-юлқаб" катта қилган ота-она фарзандини



ўта замонавий қилиб тарбиялади. Эр-хотин муносабатларидаги пардалар ҳам эскилик сарқити ҳисобланарди. Натижада, ҳар қандай хоҳиш-истаги сўзсиз бажариладиган бола бир кун ота-онасига қарши исён кўтарди. Яхши кўрган қизини бошлаб келиб, ота-онасидан уйни бўшатиб қўйишни талаб қилди...

Дарвоқе, ҳозир бу мамлакатда оила масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Тўғри, глобаллашув жараёни ҳар қадамда замон билан ҳамнафас бўлишга ундайди. Бу жараённинг ўзига хос афзалликлари ҳам кўп. Бир пайтлар компьютер техникаси, мобиль алоқа, интернет ва бошқа турли вебсайт, скайплардан бехабар эдик. Ҳозир бу борада энг ривожланган мамлакатлардан қолишмайдиган даражага етдик. Лекин бу, шу матоҳлар билан бирга кириб келган оммавий маданиятни ҳам тўғридан-тўғри қабул қилиш керак, дегани эмас-ку?! Бунинг учун ота-оналарнинг ўзлари маънавият, маданият аталган зарур фазилатларга эга бўлишлари керак. Агар она фарзандларига ҳеч кимдан кам бўлмасин деб, ярми йўқ кўйлагу, илма-тешик шим олиб берса, баданига ҳар хил тасвирларни чиздиришига қаршилик қилмаса, қолаверса, нафақат чет эл сериаллари, балки миллий сериалларимизда севги-муҳаббат мавзуси сийқалашиб, сунъий, саёз туйғулар ёшлар онгини забт этаётган бўлса, миллий тарбия ҳақида гап бўлиши мумкинми? Шукрки, ярим яланғоч ҳолда мухлисларига кўринишдан уялмайдиган санъаткор (агар улар шундай дейишга лойиқ бўлса)лар камайиб қолди. Ахир, ёшлар энг аввал ота-она, мураббий, устоз-ўқитувчиларидан, қолаверса, ҳар куни "уйимизда меҳмон бўладиган" телевидение ходимлари, кино, театр артистларидан ўрнак олишади, уларга ўхшаб кийинишга ҳаракат қилишади.

Бу борада мактаб ва коллеж ўқитувчиларининг масъулияти ҳам кам эмас. Зеро, ўзининг ташқи кўринишию, кийинишига беэътибор ўқитувчининг ўқувчиларида миллий-маънавий қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эътибор талаб даражасида бўлиши қийин. Шунингдек, чет эл маҳсулотини ўқувчиларига мактаб-мактаб, бир неча баробар қимматига сотадиган ўқитувчиларни ўқувчилари ҳурмат қилиши қийин.

Демак, миллий тарбияни энг аввал ўзимиздан бошлашимиз, хориж сериалларию, либосларига, ҳаёт тарзига ортиқча берилмай, ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз удумларию, ўгитларига амал қилсак, замонга меъёр мезони орқали боқсак, миллатимизни миллат қилган юксак маънавиятимиз завол топмайди, фарзандларимиз келажаги барбод бўлмайди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

НОТАРИАЛ АРХИВЛАРГА ИШИНГИЗ ТУШСА...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони юртимизда ушбу соҳада муайян ислоҳотлар амалга оширилишида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Адлия идораларида

Мазкур ҳужжатга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурида нотариал иш юритиш материаллари сақланишини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга маълумотномалар ва архив ҳужжатлари нусхалари берилишини таъминлайдиган нотариал архивлар ташкил этиш вазифаси ҳам топширилган.

Адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивлар фақатгина нотариал иш ҳужжатлари (шартнома, битимлар, уларга асос бўлувчи ҳужжатлар, реестр ва бошқа қайд этиш китоблари) сақланишига ихтисослашган бўлиб, фуқаролар малакали юридик ёрдам олишлари учун барча зарур шароитлар, жиҳозлар ва замонавий техника воситалари билан таъминланди.

Ихтисослашган нотариал архив фонди собиқ хусусий нотариал идора нотариуслари томонидан расмийлаштирилган ва хусусий нотариал идоралар тугатилганидан кейин қабул қилиб олинган ҳужжатлар ҳамда давлат нотариал идораларида расмийлаштирилганига уч йилдан ошган ҳужжатлардан шакллантирилмоқда.

Нотариал архивларнинг асосий вазифаси – нотариал архив ҳужжатларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, бутлигини таъминлаш ҳамда улардан фуқаролар мурожаатлари ва тегишли идоралар сўровлари асосида фойдаланилишини таъминлашдан иборат.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда архив ходимлари бажарилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги архив маълумотлари ва ҳужжатларини тегишли тартибда берилиши ва ҳужжатлар махфийлиги қоидасига риоя этилиши учун масъулдирлар ва нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Ҳужжатларни бериш тўғрисидаги талаблар қарор ёки ажрим шаклида ёхуд процессуал қонунларда белгиланган бошқа тартибда расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Васиятнома тўғрисидаги маълумотлар васият қилувчининг вафотидан кейин васият ва қонун бўйича меросхўрларга ёки уларнинг қонуний вакилларига ўлим ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирма тақдим этилганидан кейин берилади.

Адлия бошқармалари ҳузурида нотариал архивларнинг ташкил этилганлиги – фуқароларга малакали юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш борасида яратилган яна бир қулайликдир. Нотариал ҳужжатларнинг вилоят миқёсидаги ягона ихтисослаштирилган архивларда сақланиши, фуқаролар сарсонгарчилигининг олдини олиш, шунингдек, фуқароларга малакали ҳуқуқшунос ходимларнинг юридик ёрдамларидан фойдаланиш имкониятини яратади.

Дилдора АДИЛОВА,
вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариал архив мудираси в.в.б.

Эҳтиёт – шарт!

Бугунги кунда қишлоқ жойлардаги хонадонларни чорва молларисиз тасаввур қилиш мушкул. Бу, ўз навбатида, фуқароларимизни гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда катта аҳамиятга эга. Аммо, масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Чорвачиликни ривожлантиришда чорва моллари касалликларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади.

ҚАРАСАНГ – ҲОЛВА, ҚАРАМАСАНГ – ҒАЛВА

"Қора оқсоқ", яъни, бруцеллёз касаллиги уй ҳайвонлари ўртасида кўп учрайди ва одамга юқиши билан ҳам хавфлидир. Инсонларда бу касаллик кўпроқ сурункали кечади ва беморни узоқ муддатга иш қобилиятини йўқотишига ва ҳатто, ногиронликкача олиб келади.

"Қора оқсоқ" касаллигига ҳамма уй ҳайвонлари, айниқса, майда шохли чорва моллари мойил бўлади. Бруцеллёзга чалинган ҳайвонлар ўз вақтида назоратга олинмаса, касаллик кенг тарқалади.

Ҳайвонлардан бруцеллалар ташқи муҳитга сўлак, сут, қон, плацента (йўлдош) ва чала туғилган қўзичоқ, бузоқ орқали ажралади ва теварак-атрофга тарқайди.

Бруцеллёзнинг ўткир тури ва яширин даври 3-6 ҳафтагача бўлади. Кўпинча бу давр 30 кунгача, баъзан эса 2 ойгача давом этади. Беморда ҳароратнинг кўтарилиши, терлаш, тез чарчаш, эт увишиши, асабийлашиш ва мушакларда оғриқ кузатилади. Шунингдек, тери ва ташқи шиллиқ пардa рангининг оқариши, камқонлик, ҳароратнинг ошиб кетиши, тилни оқ караш қоплаши ҳам кузатилади.

Касалликнинг асосий манбаини ҳисобга олган ҳолда профилактика чора-тадбирлари бир неча қисмдан иборат бўлиши зарур. Бруцеллёзга қарши эпизоотик, эпидемиологик, умумий санитария чора-тадбирлари хасталик қайси минтақада ва қай даражада тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Эпизоотик чора-тадбирлар деганда хўжаликда турли хил жонзотларни лаборатория текширувидан ўтказиш ва қайдга олиш тушунилади. Бу ишлар умумий ва шахсий хўжаликларда бир хилда олиб борилиши керак.

"Қора оқсоқ"ка нисбатан лаборатория манфий натижа берган ҳайвонлар орасида махсус чоралар ўтказиш, яъни уларни касалликка қарши эмлаш лозим. Айниқса, қўзилатиш мавсуми давридa бола ташлаган майда шохли молларни қайд қилиш, йўлдошни лаборатория усулида текширишни йўлга қўйиш, дезинфекция тадбирларини амалга ошириш ва "қора оқсоқ" касаллиги профилактикаси бўйича суҳбатлар ўтказиш хасталикнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Умирбек МИРЗАЕВ,
олий тоифали врач эпидемиолог.

ПИСТА УЧУН БОҒЧА

Угом-Чотқол миллий табиат боғида "Чимён ўрмонини қайта тиклаш" жамоатчилик экологик ташаббуси доирасида ўтказилган акция ана шундай номланди. Мазкур тадбир Халқаро биологик хилма-хиллик куни муносабати билан ўтказилди.

Тараддуд

Табиатга ёрдам бериш, пистани тоғ экотизимининг муҳим бир қисми сифатида сақлаб қолишга ўз ҳиссасини қўшиш ҳамда киста кўчатхонасини яратиш иштиёқи кўнгиллилар гуруҳини тоғ бағрига чорлади. "Экомактаб" экологик-ресурс маркази фаоллари, Тошкент Давлат аграр университети ўқитувчи ва талабалари ҳамда Бурчмулла ўрмон хўжалигининг Сижжак бўлими ходимлари ҳамкорлигида 1 гектар майдонда 250 туп киста дарахти кўчатлари экилди. Янги экилган дарахтларнинг бундан кейинги парваришига ўрмон хўжалиги ходимлари масъул бўлишади.

Марказий Осиё тоғадирлари пистанинг асл ватани ҳисобланади. Қадимдан бу ерларда киста, бодом ва бошқа қуруқликка чидамли бўлган дарахт-бута турларидан иборат ўрмонлар бўлган. Ерларнинг қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун оммавий равишда ўзлаштирилиши, чорва моллари сонининг кўпайиши ва уларнинг назоратсиз ўтлатилиши, пистaларнинг табиий бутазорлари фақат одам оёғи етиши қийин бўлган тоғ ҳудудларидагина учрашига олиб келди. Киста ўрмонларини қайта тиклаш учун олимлар, ўрмон хўжаликлари ходимлари ва жамоатчилик томонидан кўп ишлар қилинган. Бироқ, ечимини кутаётган ишлар бундан-да зиёд. Зеро, Ўзбекистон, ҳақли равишда, киста етиштирувчи ва уни жаҳон бозорига етказиб берувчи мамлакатлар рўйхатида етакчи бўлиш учун барча имкониятларга эга.

Ҳуррият МЎМИНОВА.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисида"ги Низомга асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Чиноз тумани Олмазор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи	Чиноз тумани, Ўзбекистон жамоа хўжалиги, Ю. Каримов кўчаси, 36-уй
2.	Олмалиқ тиббиёт коллежи	Олмалиқ шаҳри, Намуна жамоа хўжалиги, 6/1-ноҳияси, "Чамбил" маҳалласи

ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Бўка агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежи	Бўка тумани, Мустақил Ўзбекистон ф/у

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, ҚҲК таълим йўналишларининг камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот)ли; таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, ҚҲКнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги "Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган Классификаторини тасдиқлаш тўғрисида"ги 164-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2016 йил 25 июлдаги 210-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ходимларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаси"нинг малака талабларига жавоб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида"ги Низом асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган **ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:

1. Олмалиқ тиббиёт коллежи;
2. Зангиота хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи;
3. Зангиота қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежи;
4. Бўка педагогика касб-ҳунар коллежи;
5. Пискент саноат-иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи;
6. Юқори Чирчиқ агросаноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи;
7. Зангиота хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи.

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари:

1. Бекобод техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:

1. Янгийўл қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи;
2. Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи;
3. Паркент агросаноат касб-ҳунар коллежи;
4. Оққўрғон агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи;
5. Ангрен хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи;
6. Паркент агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежи;
7. Бекобод қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи.

Директор ўринбосари лавозимига танловда иштирок этувчи номзодлар Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2016 йил 25 июлдаги 210-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ходимларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаси"нинг малака талабларига жавоб бериши керак:

а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, ҚҲКнинг таълим йўналишларидан камида биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумотли (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно) ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажи талаб этилмайди.

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажи талаб этилмайди.

в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига касб-ҳунар коллежининг билим соҳаси ёки умумкасбий ва махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти ёки касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналишига мос ишлаб чиқаришдаги) иш стажи 5 йилдан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажи талаб этилмайди.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Туман (шаҳар) ҳокимликларидан тавсия хати (директорлар учун);
2. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
3. Сўровнома асли (сўровноманинг барча бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқартиришларсиз ўз қўли билан тўлдирилиши керак);
4. Таржимаи ҳол (қўлёзма);
5. Маълумотнома (справка-объективка);
6. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (кадрлар бўйича инспектор томонидан тасдиқланган ҳолда);
7. Диплом нусхаси (тамомлаган олий таълим муассасаси томонидан дипломнинг ҳақиқий эканлиги ҳақида гербли муҳр билан тасдиқланган маълумотнома);
8. Тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;
9. ИИБдан маълумотноманинг асли;
10. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатлар нусхаси (ларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжат);
11. Паспорт нусхаси;
12. Ҳарбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);
13. 6 та фотосурат (3х4);
14. ИНН, пенсия жамғариб бориладиган дафтарча нусхалари;
15. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй.
Маълумот учун телефон: 150-40-37.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сонли Фармонига мувофиқ, Суд департаментининг фаолияти тугатилганлиги сабабли Суд департаментининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимлари томонидан "Respublika mulk markazi" МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган барча автомототранспорт воситалари ва асбоб-ускуналарнинг савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Телефон: 228-79-52.

Гувоҳнома № 001805.

ЎЗБЕК КУЙЛАРИ ИТАЛИЯ САҲНАСИДА

Саидакбар Сайдаълоев 10 ёшда. Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 4-синфида рубоб прима йўналиши бўйича ўқийди. У яқинда Италияда бўлиб ўтган "Citta di Pesoro" халқаро танловининг халқ чолғулари йўналишида қатнашиб, иккинчи ўринни қўлга киритди. "Фантазия", "Баҳор тонгги садоси" куйларини чалганида томошабинлар қатори ҳакамларнинг ўзи ҳам ҳайратда қолиб, мусиқани қайта ижро этиб беришини сўрашди. Япония, Жанубий Корея, Хитой, Италия, Россия, АҚШ ва Ўзбекистондан келган ижрочилар 14 кунлик сафар давомида Италиянинг машҳур масканларини ҳам бориб кўришди.



Офарин!

– Мусиқа менинг жонудилим, – дейди қаҳрамонимиз. – Танловда қатнашганимдан жуда хурсандман. Барча иштирокчилар билан бирга "Россини" опера театрида концерт бердик. Мен концерт бошида ва охирида ўз ижроим билан қатнашдим. Рубобдан ташқари пианино ҳам чалиб тураман.

Танловда Саидакбар 18 ёшлилар гуруҳида иштирок этиб, ғолиб бўлганининг ўзи бир қувонарли. Бундан ташқари, Ўзбекистон номидан қатнашган яна 4 нафар иштирокчи ҳам фахрли ўринларни қўлга киритди.

Дарвоқе, дастлаб бошида болакайни рассомчилик йўналишига ўқишга беришди. Лекин, негадир унда бу соҳага қизиқиш уйғонмади. Шунда бобоси унинг иқтидорини кўриб, мусиқа йўналишига ўтказиш кераклигини айтди. Саидакбар ўқиётган мактаб ҳам рассомчилик, ҳам мусиқага ихтисослашгани учун бу масала тезда ҳал бўлди.

Ҳозир ёз, таътил бўлишига қарамай, Саидакбар рубобда машқ қилишдан чарчамайди. Ўрганган мусиқаларини қайта-қайта ижро этаверади. Онаси: "Бор, бошқа болаларга ўхшаб, кўчага чиқиб, коптоқ тепсангчи", дегандан кейин болалиги эсига тушиб қолади. Орада жажжи укасига ҳам қараб туради.

– Техниканинг кучини қаранг, ўзимиз Италияга бормасак ҳам ижтимоий тармоқлар орқали ҳар куни янги хабарларни билиб турдик, – дейди отаси Саидазиз Аҳмедов. – Расм ва видеолар жўнатиб туришди. Катта саҳнада, мусиқа ижро этишини кўриб, ўғлимдан жуда фахрландим. Айниқса, тақдирлаш лаҳзалари мени тўлқинлантириб юборди. Ахир, фарзандингни ортидан мақтов ва ташаккур эшитишнинг ўзи катта бахтда!

Саидакбарнинг бобоси санъат ихлосманди, амакиси маданият коллежида доирадан дарс беради, опаси Мукаррамхон эса рассомчилик бўйича таҳсил олмоқда.

Устози Насиба Содиқова шогирдининг ютуғидан жуда мамнун. Тўғрида, ўргатган билиминг, қилган меҳнатингни самарасини кўриш кишига ҳузур бағишлайди. Шундай эмасми?

Хуршида НАЗАРОВА.

❑ «Тошкент ҳақиқати» таништиради

Бир неча кун олдин Жиззахда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари орасидан кучли ва истеъдодли спортчилар етишиб чиқаётгани, мамлакатимизнинг олимпия захиралари тобора кенгайиб бораётганини намоён этди. Айниқса, оғир атлетика бўйича олтин медални қўлга киритган Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Адҳамжон Эргашевнинг мусобақадаги иштироки кўплаб мухлису мутахассислар эътиборида бўлгани бор гап.

ТОШ КЎТАРИШ ЕНГИЛ, МАҒЛУБИЯТ ОҒИР

Адҳамжон ёш бўлишига қарамай, жаҳон спортида юксак истеъдод, катта салоҳият соҳиби сифатида танилган. Унинг ҳозир – ўсмир ёшида оғир атлетикада қайд этаётган натижаларига тенгқурлари тугул, айни кучга тўлган ва тажрибаси бой атлетларнинг аксарияти ҳам эриша олаётгани йўқ.

– Штанга кўтаришнинг оғирликларини енгиб ўтиб, ҳақиқий спортчи бўлишимда Чирчиқ олимпия захиралари коллежига ўқишга қабул қилинганим мустаҳкам пойдевор бўлди, – дейди Адҳамжон. – Бу ерда устозим Суннат Музаффаровдан спорт маҳоратини ўрганаяпман. Натижалар ҳам йилдан йилга ўсмоқда. Мен келажакда Жаҳон чемпиони ва Олимпия ўйинлари ғолиби бўлишни мақсад қилганман. Бу ниятимга, албатта, эришаман. Чунки ота-онам, устозларим ва, айниқса, халқ ишончини оқлаш масъулияти ҳар қандай оғир штангани кўтаришдан залворлироқдир. Бу мени мақсад сари дадил қадам босишга ундайди.

Эргашевлар хонадонида спортга фарзанд тарбиясининг муҳим мезони сифатида эътибор қаратилади. Шунинг учун оилада Адҳамжоннинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. Уни оғир атлетикага ҳам отаси Абдуллажон ака етаклаб борган.

Ёш полвон Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган бу спорт тури билан 2011 йилда мураббий Элмурод Ёқубжонов қўл остида шуғулланиб бошлади. Орадан икки йил ўтиб, ёш спортчи ҳаётидаги дастлабки ҳақиқий синовларга дуч келди. Чирчиқ олимпия захиралари коллежига ўқишга қабул қилинган йигит энди нуфузли мусобақаларда кучини кўрсатиши керак эди.

Республика миқёсидаги кетма-кет ғалабалардан сўнг, 2014 йилда 15 ёшли ўсмирни Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилишди. Адҳамжон ҳам устозларини уялтириб қўймади. Шу йилнинг ўзида Хитойда ўтган II ўсмирлар Олимпия



ўйинларида бронза медални қўлга киритиб, илк нуфузли совринига эга бўлди. Бир йилдан сўнг Польшада 20 ёшгача бўлган атлетлар иштирокидаги Жаҳон чемпионатида учта кумуш медални қўлга киритди. Ўзидан катта рақибларини доғда қолдирган 16 ёшли ўзбек полвонининг номи дунёга танилди.

Адҳамжоннинг маҳорати ошгани сари совринларининг сони ва салмоғи ҳам ортиб бормоқда. У 2016 йилда Тошкентда катталар ўртасида ўтган Осиё чемпионатида қитъамизнинг энг кучли полвонлари билан рақобатда шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди. Шу йилнинг ўзида Малайзияда ўз тенгқурлари ўртасидаги жаҳон биринчилигида иккита олтин ва битта кумуш медалга сазовор бўлди. Японияда ҳам ўсмирлар, ҳам ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида барча йўналишларда ғолиб чиқиб, олтита олтин медаль билан тақдирланди.

Чирчиқдаги коллеж ўқувчисининг медаллар жамланмасидан жорий йилда Туркманистонда катталар ўртасидаги қитъа чемпионатининг бронза медали ҳам жой олди.

Жаҳоннинг таниқли мураббий ва мутахассислари эътиборига тушган Адҳамжон Эргашевнинг Жиззахдаги "Баркамол авлод – 2017" мусобақаларида қатнашиши ҳам оғир атлетика мухлисларига бир байрам бўлди. Ушбу йирик спорт анжумани полвоннинг ўзида катта таассурот қолдиргани табиий.

– Жиззахдаги мусобақалар ёшлик, дўстлик ва бирдамлик байрами сифатида бир умрга ёдимда қолади, – дейди у. – Мен мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган энг истеъдодли тенгқурларим билан ажойиб спорт анжуманида бирга бўлдим. Медаллар, юқори натижалар ўз йўлига қадрли, лекин энг катта ютуғим – кўплаб дўстлар орттирганим, ҳаётим мазмуни ва дунёқарашим бойигани бўлди. Бундай тадбирлар бизларни халқаро майдондаги ғалабаларга илҳомлантиради. Жиззахда ўзаро беллашган спортчи дўстларимиз билан бирга яқин келажакда Олимпия ва Осиё ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламиз.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

❑ Мутолаа

Китоб – энг улуғ неъмат. У маънавият манбаи сифатида инсон руҳиятини тарбиялаб, комиллик сари етакловчи қудратли воситадир.

МАНГУ ҲИКМАТ ОБИДАСИ

Шундай китоблардан бири "Калила ва Димна" ҳинд файласуфи Бейдабо қаламига мансуб бўлиб, қушлар ва ҳайвонлар тилида нақл этилган. Китобни ўқиган сари ўқигингиз келади. У ҳикматдан дарс бериб, жаҳолатни сўндиради. Ҳатто, дунёдаги энг жоҳил ва жаҳлдор подшоҳ Добшалимни ҳам энг адолатли, мурувватли ҳукмдорга айлантирган дурдона асардир. Шу боис, олима Суйима Ғаниева ушбу китобнинг биринчи бетига "Буюк нафосат ва мангу ҳикмат обидаси", деб ёздирган.

Китобни ҳинд подшоҳи Добшалим жуда эҳтиёт қилган ва бошқа юртларга чиқиб кетишини тақиқлаб, қарор чиқарган экан. Бу ҳолдан хабар топган Эрон шоҳи Ануширавони одил, қайси йўл билан бўлса ҳам "Калила ва Димна" китобини қўлга киритиш учун энг ишончли сарой аёнларидан бўлган Барзуя ҳакимга: "Китобни олиб келиш учун қанча маблағ кетса ҳам аяма", дея топшириқ беради. Барзуя ҳаким кўплаб туяга совға-саломлар ортиб, Ҳиндистонга йўл олади ва бир неча йилдан кейин китобни қўлга киритиб, подшоҳга тақдим этади. Шунда, Ануширавони одил юртга ош бериб, тўю-тантана қилган экан.

Дарвоқе, буюк аллома-ларимиз Беруний ва Ибн Сино ҳам "Калила ва Димна" китобини асл нусхасидан (Панжататра – деб аталган) таржима қилиш ниятлари борлигини асарларида ёзиб қолдиришган.

Р. БАГИРОВ.
Бекобод шаҳри.

❑ Ёз туҳфаси

ГИЛОС ПИШГАНДА БОҒДА...



Кунлар исиб, меваларга биринкетин ранг кира бошлади. Аввал қулупнайлар юзи қизариб, тутлар болга тўлган бўлса, кейин йирик, тўқ қизил гилос қуюқ барглар орасидан мўралай бошлади.

Саккиз минг йилдан буён инсониятга мўъжизавий куч ато этиб келаётган гилосда кўп миқдорда фойдали моддалар, витамин ва минераллар мавжуд. У вужудимизда кечувчи моддалар алмашинуви жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган минералларга бой. Шу билан бирга, органик кислота, сахароза (фруктоза, глюкоза), РР ва В6 витаминлари, йод, фтор, хром, кремний, никель, рух, марганец сингари микроэлементларни ўзида сақлаб, саломатлигимизни мустаҳкамлашга кўмаклашади. Қийғос гулларидан фойдали ва шифобахш асал олинади. Асаларилар бир гектар гилосзордан ўртача 35 килограмм бол йиғади.

Гилосдан табобатда кўпгина касалликларнинг олдини олиш ва даволашда фойдаланилади. Жумладан, буйрак ва жигар фаолиятини, қон айланишини яхшилайди. Қон босими юқори беморлар фаол бирикмаларга бой бўлган тўқ қизил гилосдан мавсум давомида кунига 250-300 грамм еб туришса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Артрит, ревматизм ва подаграда оғриқни камайтириш учун янги узилган 15 дона гилос ёки бир ош қошиқ қуюқ гилос шарбати ёхуд унинг компотини кунига уч маҳал ичиш тавсия этилади. Шунингдек, гилос мевалари ичак фаолияти сусайиши, қабзият ва бошқа ички хасталикларга даво сифатида ҳам қўлланилади. Гилос шарбати ва қайнатмаси овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятини яхшилайди. Таркибида органик кислоталар камлиги сабабли меъда шиллиқ қаватининг яллиғланиши (гастрит) билан оғриган беморларда кислота миқдорини кўпайтириб юбормайди. Темир ва зарур витаминлар кўплиги боис камқонликка чалинганларга ҳам гилос ейиш тавсия этилади.

Фирдавс РАВШАНОВ тайёрлади.

Рамазон ҳикмати

Тил ва юрак

Луқмони ҳаким занжи қул эди. Бир яхши одам уни хизматкорликка сотиб олди. Луқмон бир қанча вақт хожасига хизмат қилиб юрди.

Хожаси бир куни унинг оқиллигини синаб кўриш учун: "Қўй сўйиб, энг ёқимли жойини олиб кел", – деди.

Луқмони ҳаким қўйни сўйиб, унинг юраги ва тилини кесиб келди.

Бир неча кундан сўнг хожа қулига яна бир қўйни сўйиб, бу сафар энг ёқимсиз жойини олиб келишни буюрди. Луқмони ҳаким қўйни сўйиб, яна унинг юраги ва тилини олиб келди.

Хожаси ҳайрон бўлиб:

– Бу ишингни қандай тушуниш керак? – деб сўради.

Луқмони ҳаким жавоб берди:

– Дунёда энг ширин нарса – покиза юрак ва ширинсўз тилдир.

Дунёда энг ёқимсиз нарса – бемеҳр, тош юрак ва иғвогар тилдир.

Н. ТОҲИРОВ тайёрлади.

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Ҳангома



Қаюм Қиёмович тўй бошлабдилар. Вақтнинг ўтишини қаранг, куни кеча ёғоч от миниб, диконглаб юрган кенжатойлари вояга етиб, уйланадиган бўлиб турса-я!

Асадулла беихтиёр таклиф қоғозининг орқасига қаради. Қаюм Қиёмович ўз қўллари билан: "Асадуллажон, менга қўнғироқ қилинг", деб ёзиб қўйибдилар.

Асадулла туман мева-сабзавот тайёрлаш идорасининг янги бошлиғи. Шу ишга тайинланаётганида Қаюм Қиёмович қулоғига қуйган сўзлар ёдида. "Ука, – деганди ўшанда устоз овозини сал пасайтириб, – катта корхонани бошқаришга юборяпмиз. Топганини белига тугиб, югуриб юрганлар қанча, аммо биз сизга тўхталдик. Шуни эсингиздан чиқарманг..."

Бошлиқнинг шу сўзлари ёдига тушиши билан қўли беихтиёр телефон гўшагига чўзилди. Хайрият, Қаюм Қиёмович ўзларида экан.

– Қаюм Қиёмович, мен Асадулламан, Тепакўрғондан қўнғироқ қилаяпман...

– Э, Асадуллабой, бормисиз ўзи, бизлардан хабар олай ҳам демайсиз-а, – бошлиқ худди ахтариб юрган кишисини топгандай яйраб кетди. – Ишлар дурустми, бола-чақа тинчми?

– Раҳмат, Қаюм Қиёмович. Тўйлар муборак бўлсин, устоз, эшитиб хурсанд бўлдик.

– Ҳа, тўй бошлаб қўйдик. Кенжатойнинг бошини иккита қилиб қўймасак бўлмайди. Ҳозирги ёшларни биласиз...

– Бизларга нима хизмат, устоз?

Қаюм Қиёмовичга шу гап керак эди. Хайрият, шогирд бола эсли чикди.

– Хизмат-пизмат йўқ, ука, ҳаммасини "есть" қилиб қўйганман. Фақат...

– Тортинмасдан айтаверинг, устоз, – Асадулланинг овози бу гал анча дадил чиқди.

– Энди ука, ошга қўй гўшти солганга нима етсин. Шу дейман, Тепакўрғоннинг қўйларидан бўлганда борми...

– Битта қўчқор биздан! – Бу гап Асадулланинг оғзидан шу қадар самимий чиқдики, бундан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди.

– Э, раҳмат ука, биз ҳам яхши кунларингизда қараб турмаймиз. Пухтароқ қассобга сўйдириб, жумадан қолдирмай жўнатворасиз-да, укажон...

Қаюм Қиёмовичнинг "укажон" дейиши Асадуллани эритиб юборди. Хўжайинникига юборса бўладиган қўчқорнинг каттаси ўзида бор, икки йилдан бери емлаб боқади, аммо яқинда ўғлини уйлайдиган қайнисининг тўйига атаб қўйган. Хотинига: "Уканга айт, қуданикига етаклайдиган қўчқор биздан", деб мақтанган ҳам. Бу гап аллақачон қариндош-уруққа бориб етган.

Мана буни икки ўт орасида қолиш дейдилар. Мундайроғини олиб борса, Қаюм Қиёмовичга ёқмаса, унда нима бўлади...

Кечқурун хотинини ёнига чақириб, аста гап бошлаган эди, бир бобиллади, бир бобиллади. Асадулла аввалига жим турди, кейин жаҳлига минди:

– Ҳой, ғалча, тушунасанмийўқми, мени одам қилган шу одам, ишга тайинлаган шу одам, биттаю битта илтимоси, шуни ҳам бажармайинми, эсипаст, эртага паттамни қўлимга тутқазиб қўйса, унда нима дейсан, гапир...

"Патта" сўзи таъсир қилдими, хотин ўчди.

Жума куни пешиндан кейин Мутал қассоб ўртанча ўғли билан кела солиб, қўчқорнинг оёғини тушовлади. Ҳаш-паш дегунча бўғизлаб, терисини шилди, кейин оқ докага ўраб, битта киракашнинг "Жигули"сига юклаб берди. Асбобларини ювиб, халтага ўраркан, Асадуллага:

– Озроқ қўл учи олдим, рози бўласан-да, оғайни, – деди.

Асадулла бу гапни деярли эшитмади. Унинг хаёли қайнисининг яқинлашиб келаётган тўйида эди.

Қаюм Қиёмович башанг кийинган меҳмонларни кутиб олаётган экан, Асадуллага бош иргаб, келинглар, дегандай бўлди. Ҳайдовчи йигит машинанинг орқа капотини очди. Аммо бирор киши келиб, гўштни олмади. Ноилож, Асадулла икковлон кўтариб, ичкарига киришди. Гарчи тўй эртага бўлса-да, ҳовли меҳмонлар билан тўла, санъаткорлар хизматда, базм авжида эди. Бир киши уларни ҳовлининг бир четига бошлади. Сабзи тўғраётган жойга ўтқазиб, олдиларига чой, нон қўйди.

Хаёли қочиб турган эди, дарвоза олдида келди-кетдига бош бўлиб турган оқсоқол улар ўтирган томонга қараб: "Ҳой, қарашворинглар", деб қолди. Асадулла дик этиб ўрнидан турди. Ташқарида турган "Нексия"нинг орқасини очиб, тўёналарни тушира бошлашди. Бир яшик арақ, бир яшик коньяк, мева-чева ва... каттакон қўй. Асадулла, яна икки киши аранг кўтариб, омборхонага олиб ўтишди. Умрида бунақа семиз, оғир қўйни кўрмаган эди. Нақд етмиш кило чиқади-ёв. Бунинг олдида ўзи олиб келган қўчқор кўзичоқдай бўлиб қолди. Кайфияти бузилди. Бир пайт қулоғига устозининг "Асадулла", деган овози эшитилди.

– Лаббай устоз! – у ялт этиб овоз келган томонга қаради. Қаюм Қиёмович омборхона эшиги олдида турарди. Югуриб олдига борди.

– Қўйни қаерда сўювдинглар? – кутилмаганда сўраб қолди устози норози оҳангда.

– Кўчқорними, – атайлаб таъкидлади Асадулла, – уйда сўйдик.

– Ука, бу қанақаси, мен сизга ишониб иш топширсам... Жигари, ҳасипи, иккита қовурғаси, думбасининг озроқ ери йўқ-ку?

Асадулла нима дейишини билмай каловланиб қолди. Ҳа, очофат Мутал, қўл учи деб, буёғини расво қилган экан-да. Буни энди устозига қандай айтади? Лекин, айтмаса ҳам бўлмайди, ўзи олиб қолган деб ўйлайди-да.

– Кечирасиз устоз, – деди Асадулла гуноҳ иш қилиб қўйган болакайдай, – маҳалланинг қассобига сўйдирган эдим, озроқ қўл учи олган шекилли...

– Нима, қўл учи дейсизми? – Қаюм Қиёмовичнинг жаҳли чиқиб кетди. – Ноинсоф экан ўша қассобларинг. Қўл учига шунча гўшт оладими? Бировнинг ҳақидан қўрқмайдими? Бундай ярамасларга иш буюриш керак эмас, ука, билдингизми. Бировнинг ҳақи демай, ўмариб кетишаверади-я. Эҳ, аблаҳлар...

Қаюм Қиёмович шундай деди-да, Асадуллани турган жойида қолдириб, дарвозадан кириб келаётган меҳмонларнинг истиқболига ошиқди. Асадулланинг миясида фақат бир гап ғужғон ўйнарди: "Бировнинг ҳақи, бировнинг ҳақи..."

Аҳмад ОҒА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-9284 . Адади 12 926. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.50.